


## БУЮК ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ ОЛТИН ДАВРИГА ҲАМОҲАНГ БАРПО ЭТИЛАЁТГАН ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 9 апрель куни Тошкент шаҳридаги Амир Темури хибонига ташриф буюрди ва Темурийлар тарихи давлат музейидаги реконструкция ишлари билан танишди.



Амир Темури хибонига байрамона шукуҳ кезади. Баҳор ёмғиридан кейинги мусаффо ҳаводан ўткири тўлдириб нафас оласиз. Ён-атрофда кўкка бўй чўзган дарахтлар, яшил майдон ва турфа гуллар. Узоқ-яқиндан янги қад ростлаган бинолар кўзга ташланади. Шулар ҳақида ўйлаб, улуг аждодимиз бизга мерос қолдирган эзгу амаллар — яшил

олам яратиш, бунёдкорлик ва адолатли тизим ила тинчликни мустаҳкамлаш борасидаги ишлар давом этмоқда, дейсиз қатъият билан. Сўнг беихтиёр шонли тарихга муносиб тарзда юксалиб бораётган янги Ўзбекистондаги ислохотлар кўз олдингизга келади. Ҳаёлингизда ана шу шукуҳга ҳамоҳанг бўлган шеър айлана бошлайди:

“Музофотлар уйғонмоқда Темурихоннинг Байроғининг ҳилпираган шамолидан”. Дарҳақиқат, бугун янги Ўзбекистон шабадаси олис музофотларга ҳам кириб борди. Бу хусусида кейинроқ яна тўхта-ламиз. Президентимиз Тошкент шаҳридаги Амир Темури хибонига ташриф буюриб,

улуг ватандошимиз, машҳур давлат арбоби, энгилмас саркарда, илм-фан, маданият ва санъат ҳомийси Соҳибқирон Амир Темури хайкали пойга гулчамбар қўйди. Амир Темури сиймоси ва темурийлар даври миллий давлатчилигимиз тарихи, халқимизнинг шонли ўтмиши ва бугунги тараққиётида беқиёс аҳамиятга эга.

Зеро, Соҳибқирон бобомиз мана шу юрт, халқимиз, миллатимиз манфаати учун бор куч-қудрати, салоҳияти, умрини бахшида этган. Миллий давлатчилигимиз тарихида қолдирган ўчмас ўрни, халқимизнинг илм-фан ва маданиятини юксалтириш борасидаги ислохотлари, ташаббусларини санаб, адоғига етиб бўлмайди. У даврдаги

бунёдкорлик, адолатпарвар давлатчилик сиёсати ҳали-ҳамон тилларда дoston, дунё учун ибрат намунаси. Бир сўз билан айтганда, Амир Темури ҳукмронлиги йиллари, шубҳасиз, ўзбек давлатчилигининг олтин давридир.

➤ Давоми 2-бетда

## “АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ТАМАДДУНИНИНГ ЖАҲОН ТАРИХИ ВА МАДАНИЯТИДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ” МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ҳурматли анжуман қатнашчилари! Аввало, буюк давлат арбоби, энгилмас саркарда, илм-фан, маданият ва санъат ҳомийси Соҳибқирон Амир Темури ва темурийлар тарихи ҳамда меросини ўрганиш ва тарғиб этишдек муҳим ишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган сиз, азизларни бугунги халқаро илмий конференциянинг очилиши билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ушбу анжуманда дунёнинг турли мамлакатларидан ташриф буюрган таниқли олимлар — профессор ва академиклар, нуфузли университетлар ҳамда илмий марказларнинг намояндалари, ижодкор зиёлилар, машҳур музей ва кутубхоналарнинг етакчи ходимлари, кўпқаб оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этаётгани халқимизнинг қадимий тарихи ва бой маданиятига жаҳон миқёсида қизиқиш ҳамда эътибор тобора кучайиб бораётганидан далолат беради.

Конференция Амир Темури таваллудининг 690 йиллиги юртимизда кенг нишонланаётган кунларда Ўзбекистоннинг уч минг йиллик бетақор илмий-маданий мерос дурдоналарини ўзида мужассам этган Ислам цивилизацияси марказида бўлиб ўтаётгани, айниқса, диққатга сазовор.

Мазкур илмий форум ўлкамиз тарихидаги улугвор ва ёрқин босқични ташкил

этадиган Иккинчи Уйғониш даври — темурийлар Ренессанси моҳиятини чуқур таҳлил қилиш, қизгин муҳокамалар ўтказиш, янги лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш учун муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Азиз дўстлар! Олис XIV асрда, гоят мураккаб бир замонда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида миллий давлатчиликни қайта тиклаб, Ватан озодлиги, юрт тинчлиги ва ободлиги йўлида жасорат кўрсатган буюк аждодимиз Амир Темури асос солган қудратли салтанат жаҳон цивилизацияси тарихида қандай ўлмас из қолдиргани сизларга яхши маълум.

Бу ҳақда гапирганда, дунёдаги ўнлаб давлатлар ҳудудида Амир Темури ва темурийлар даврига оид меъморий обидалар ҳозирга қадар сақланиб келаётгани, турли минтақа ва мамлакатларда бу улуг шахс ҳамда унинг сулоласига бағишлаб кўпқаб бадий, илмий ва тасвирий асарлар яратилганини таъкидлаш лозим.

Маълумки, Амир Темури ота юрти Шаҳрисабзда ўзи бунёд эттирган гўзал меъморий обида — Оқсарой пештоқига “Адолат — давлатнинг асоси ва ҳукмдорлар шioriдир”, деган сўзларни ёздирган эди.

Бу ҳикматли сўзлар бугунги кунимиз учун ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга. Чунки тинчлик ва адолат ҳукми сурган

жойдагина илм-маърифат, санъат, адабиёт ва маданият тараққий топади.

Шу маънода, темурийлар Ренессанси нафақат Турон ўлкаси, балки бутун Шарқ оламидининг илм-фани ва маданий раванқиға кучли таъсир кўрсатиб, янги маънавий юксалиш даврини бошлаб бергани бежиз эмас.

Ушбу сулоланин машҳур намояндалари бўлган Мирзо Улугбек, Бойсунқур Мирзо, Иброҳим Султон, Султон Хусайн Мирзо, Алишер Навоий, Бобур Мирзо ва бобурийларнинг илмий кашфиётлари, етух бадий асарлари ана шу ноёб маданий феномен махсули сифатида вужудга келганни жаҳон олимлари кенг эътироф этадилар.

Янги Ўзбекистонда Амир Темури ва темурийлар меросининг умумбашари цивилизация тарихидаги ўрни ҳамда аҳамиятини ўрганиш, уни юртимиз ва чет элларда кенг оммалаштириш, ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасида катта ишлар амалга оширишмоқда.

Хусусан, Амир Темурининг 690 йиллиги муносабати билан алоҳида қарор қабул қилинди. Ушбу ҳужжатга биноан ҳар йилнинг апрель ойи мамлакатимизда Амир Темури ойлиги деб эълон қилиниши, маҳаллий ва халқаро миқёсда илмий-амалий

конференциялар, маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилиши белгилаб қўйилди.

Бугунги анжуман ҳам ана шу йўлдаги яна бир амалий қадам бўлиб, биз Ўзбекистоннинг ҳақиқий дўстлари бўлган сизлар каби заҳматқаш олим ва тадқиқотчилар билан темурийлар Ренессансини, умуман, бой меросимизни чуқур ўрганиш, мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-маънавий ислохотлар билан жаҳон жамоатчилигини янада кенг таништириш борасидаги ҳамкорликни изчил давом эттирамиз.

Анжуман давомида сизлар халқимиз даҳоси билан яратилган юртимиздаги тарихий-меъморий обидалар, маданий ёдгорликлар, ноҳир қўлёзма ва китоб фондлари билан яқиндан танишиб, уларни тадқиқ этиш, асраш ва тарғиб этиш бўйича қимматли таклиф ҳамда тавсияларингизни билдирасиз деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, барчангизга сиҳат-саломатлик, шарафли фаолиятингизда янги ютуқлар, конференция ишига эса муваффақият тилайман.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

## ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ ИҚТИСОДИЁТНИНГ МУҲИМ ДРАЙВЕРЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев электрон тижоратни ривожлантириш ва бонд омборлар фаолиятини йўлга қўйишга қаратилган таклифлар тақдироти билан танишди.

Сўнгги саккиз йилда мамлакатимизда электрон тижорат ҳажми 20 баробар ўсиб, 1,3 миллиард долларга етди. Рақамли платформалар сони 120 тадан зиёдин ташкил этмоқда. Узини ўзи банд қилиш тартибининг кенгайтирилгани, лицензиялаш ва солиққа тортишининг соддалаштирилгани ҳисобиға соҳада 750 мингта юқори даромадли иш ўрни яратилган, бюджетта эса ҳар йили 200 миллиард сўм қўшимча солиқ тушумлари таъминланмоқда.

Шу билан бирга, мазкур йўналишда ҳали ишга солинмаган имкониятлар кўпчилиги таъкидланди. Хусусан, Ўзбекистонда электрон тижоратнинг чакана савдодаги улуши 4-4,6

фоизни ташкил этиб, жаҳондаги ўртача 22 фоизлик кўрсаткичдан 5 баробар кам экани кўрсатиб ўтилди. Мамлакатимизда ушбу улушни 9-11 фоизга етказиш учун етарли салоҳият мавжуд.

Тақдиротда электрон тижорат инфратузилмасини ривожлантиришда импорт товарларини божхона тўловлари ва солиқларини кечиктирилган тартибда тўлаш шарти билан божхона назорати остида сақлашга мўлжалланган махсус омбор — бонд омборлар ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

➤ Давоми 2-бетда

## СЎҲДАГИ ЯНГИЛАНИШЛАР ҲУДУДНИНГ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИГИ ОШИБ БОРАЁТГАНИНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИДИР

Президент Шавкат Мирзиёев Фаргона вилоятининг Сўх туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Таъкидланганидек, авваллари Сўх етиб бориш қийин, транспорт ва логистика имкониятлари чекланган, иқтисодий алоқалари заиф ҳудудлардан бири эди. Сўнгги йилларда минтақавий ҳамкорлик ва қатъий сиёсий ирода тўғрисида бу ҳудудни комплекс ривожлантириш учун янги имкониятлар яратилди. Йўллар очилди, чегарадан ўтиш тартиблари энгиллаштирилди, тадбиркорлик учун шароитлар яхшиланди, замонавий богча, мактаб, поликлиника ва уй-жойлар барпо этилди.

Бугунги кунда Сўхдаги 25 та маҳаллада 88,6 минг аҳоли яшайди. Ҳудудда 29 та мактабгача таълим ташкилоти, 33 та мактаб, 2 та ўрта махсус таълим муассасаси, 14 та соғлиқни сақлаш муассасаси ва 2 та маданият

объекти фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йилнинг ўзида 13 минг 921 та иш ўрни яратилди, 1 минг 667 та оила камбағалликдан чиқарилди. Умуман, Сўхдаги ўзгаришлар шунчаки инфратузилма янгилаштириш эмас, аҳоли ишончи мустаҳкамлангани ва ёшлар учун имкониятлар кенгайтирилгани амалий ифода-сидир. Бугунги Сўх аста-секин минтақавий иқтисодий тизимга қайта қўшилмоқда.

Шу билан бирга, туманда камбағаллик даражаси 7,9 фоиз, ишсизлик 5,5 фоизни ташкил этиб, бу кўрсаткичлар ҳали ҳам республика ўртача даражасидан юқори экани кўрсатиб ўтилди.

➤ Давоми 2-бетда

**ТАМАДДУН tafakkuri**

Ушбу сонда Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази мамлакатимиз тараққиётида янги интеллектуал платформа сифатида бўй кўрсатгани, марказ бунёд этилган масканнинг тарихий асослари ҳамда мажмуага ташриф буюрувчи болажонлар учун яратилган имконият ва шароитлар ҳақида қизиқарли мақолалар билан танишингиз мумкин. ➤ 3

# Буюк Ўзбек Давлатчилигининг олтин даврига ҳамоҳанг барпо этилаётган янги Ўзбекистон

## Бошланиши 1-бетда

Айни кунларда мамлакатимизда Амир Темур бобоимизнинг 690 йиллиги катта байрам, шодиёна сифатида кенг нишонланаётгани, кўтлуг сана муносабати билан кўплаб маънавий-маърифий, илмий ва маданий тадбирлар ўтказилаётганида алоҳида маъно муҳассам. Биринчидан, Амир Темур шахсияти халқимиз учун чексиз фахр-ифтихор, жасорат, фидойилик намунаси. Бинобарин, Соҳибқирон бобомиз XIV асрда, гоят мураккаб даврда Ўзбекистон замининда миллий давлатчиликни қайта тиклаб, ватан оқдони йўлида улкан жасорат кўрсатган буюк тарихий шахсдир. У асос солган қудратли салтанат жаҳон цивилизацияси тарихида ўчмас из қолдирган. Соҳибқироннинг ҳаёти ва фаолияти салкам етти асрдан бунён дунё олимлари томонидан катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Турли мамлакатларда Амир Темур ва темурийларга бағишланган минглаб бадний, илмий ва санъат асарлари яратилгани, бу ишлар бутун ҳам давом этаётгани унинг тарихий сиймоси ва мероси нечоғлиқ беқисс эканидан далолат беради.

Иккинчидан, Амир Темурнинг давлат бошқарувидаги адолати, бунёдкорлик салоҳияти, камбағал-мискинларга марҳамати, ўша даврдаги дунёнинг йирик салтанатлари билан олиб борган дипломатияси дунё давлатчилиги, тинчлиги ва тараққиёти учун катта таъриб, мислсиз ибрат мактабидир.

Хусусан, Амир Темурнинг “Куч — адолатда”, “Адолат билан жаҳон гушани обод бўлади” деган доно ўғитлари бугун юртимизда ижтимоий давлат барпо этиш, инсон қадрини улуглашга қаратилган кенг қўламли ислохотларда ўзига хос дастур ва амалий қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда. Давлат ишларининг ўндан тўққиз улушини кенгаш, тадбир ва машварат билан амалга оширишни турли минтақаларда давом этаётган кескинликларни тинч йўл билан ҳал этишга қаратилган музокараларга эҳтиёж ортиб бораётган бугунги таҳликали замонда янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу маънода, Соҳибқирон мероси нафақат халқимизнинг шонли ўрмиши, балки бугунги тараққиётимиз ва келажак мақсадларимиз, дунё тинчлиги ва барқарорлиги билан ҳам узвий боғлиқдир.

Халқимиз муқаддас юртимиз заминидан шундай улуг эретиб чиққан билан доимо фахрланиб, гурурланиб яшайди. Айниқса, бугунги кунда — янги Ўзбекистон шароитида Амир Темур ва темурийлар тарихи ва меросини чуқур ўрганиш ҳар қачонгидан-да катта аҳамият касб этмоқда. Бу шонли сулола томонидан яратилган темурийлар Ренессанси мамлакатимизда янги Ўғғонш даври пойдеворини яратишда халқимиз учун ишонч, илҳом ва куч-гайрат манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

Амир Темур ибрати, давлатчилик бошқарувидаги ноҳир намунаси ҳамда ўша давр билан бугунимиздаги уйғунлик Соҳибқирон таваллудининг 690 йиллиги шунчаки тарихий юбилей сана эканидан анча кенг маънога эга. Бу миллий ўзигимизни англаш, унга муносиб бўлиш, бой маънавий меросимизни чуқур ўрганиш ва уни кенг жамоатчилик, айниқса, ёшларга етказишдир.

Айнан шунинг учун кейинги йилларда мамлакатимизда Амир Темур ва темурийлар меросини чуқур ўрганиш, уни юртимиз ва халқаро миқёсда кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Шу мақсадда Амир Темурнинг 690 йиллигини нишонлаш тўғрисида алоҳида қарор қабул қилиниб, кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, ҳар йил апрель ойини мамлакатимизда Амир Темур ойлиги сифатида ўтказиш белгиланди. Ижодкорлар томонидан янги илмий ва бадний китоблар, фильм ва спектакллар, тасвирий санъат асарлари яратилмоқда. “Темур тузуқлари” асари янгидан нашр этилди. Юртимизда улуг бобомиз номи билан аталган давлат муқофотлари, майдон ва хиёбонлар, татлим ва маданият масканлари мавжуд. Худудлардаги “Темурбеклар мактаблари” эса ёшларни ватанга садоқат руҳида тарбиялашда ўзига хос намуна бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу кунларда пойтахтимизда Амир Темур ва темурийлар Ренессансига бағишланган нуфузли халқаро конференция ўтказилаётгани ҳам ушбу эзгу ишлар изчил ва тизимли давом этаётганининг ёрқин тасдиғидир. Юртимиз олимлари билан бир қаторда дунёнинг турли мамлакатларидан ташриф буюрган атоқли тарихчилар, шoir ва адиблар, маданият ва жамоат наомандлари иштирокидagi конференцияда Амир Темур ва темурийлар тамаддунининг жаҳон тарихи ва маданиятидаги ўрни ва аҳамиятига доир янги тадқиқот натижалари муҳокама қилинмоқда.

Бугун мамлакатимизда Соҳибқирон ўғитларига амал қилиб, адолатли давлат қуриш, муҳтожларга ёрдам бериш, ёшлар, хотин-қизлар ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш, илм-маърифат ва бунёдкорликни ривожлантириш, дунёга очик бўлиб, турли мамлакатлар билан ҳамкорлик қилишга катта эътибор қаратишмоқда.

Соҳибқирон Амир Темур қаерда бўлмасин, боғу роғлар барпо этишга, ҳар бир қарич ерни обод қилишга катта аҳамият қаратган. Ана шу бунёдкор анъаналарнинг узвий давоми сифатида Амир Темур хиёбонида ҳам ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Тадбир доирасида Президентимиз Шавкат Мирзиёев хиёбонда кўчат экди ва Темурийлар тарихи давлат музейига ташриф буюрди.

Музей Амир Темур таваллудининг 690 йиллиги муносабати билан замонга мос тарзда реконструкция қилинди. Таъбир жоиз бўлса, янги Ўзбекистондаги илмий, маънавий, иқтисодий-ижтимоий юксалишга мос равишда янгица қиёфага келтирилди. Реконструкция ишларида дунёдаги машҳур музейларнинг энг илгор тажрибалари қўлланилди. Қолаверса, Ўзбекистондаги Ислom цивилизацияси маркази, янгиланган Имом Бухорий мажмуаларида тўпланган тажрибаларимиз асосида жиҳозланиб, рақамлаштирилди. Янги экспозиция яратилди. Бунинг учун дунёнинг турли ўлкаларига тарқалиб кетган, Темур ва темурийлар даврига оид ноёб экспонатлар олиб келинди. Музейнинг биринчи қаватида “Буюк Соҳибқирон — Иккинчи Ренессанс асосчиси” бўлими ташкил этилган. Ташриф буюрувчилар Амир Темур даври ва темурийлар тарихи билан янада кенг танишиши учун иккинчи қаватда суний интеллект ва “ақлли” технологиялар асосидаги интерактив экспозициялар, 3D форматдаги экспонатлар ҳамда хариталар ўрни олган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, янги Ўзбекистон шабодаси олис музофотларга ҳам кириб борди. Халқимиз ана шу ўсиш ва ўзгаришлар нафасига муносиб тарзда ўғғониб, дунёга тийрак нигоҳ билан қарай бошлади. Бундай фараҳбахш туйғу ила музейни томоша қилиш кишига ўзгача ҳавт беради. Музей киришдаги асосий зал сатҳига зарф чизилган. Унда Амир Темур асос солган давлат ўз аксини топган. Биринчи қаватда “Буюк Соҳибқирон — Иккинчи Ренессанс асосчиси” бўлими билан танишиб, ушбу харита — улуг аждодимизнинг салтанати бўйлаб кезасиз. Беихтиёр шонли

тарихимизга муносиб тарзда янги Ўғғонш даврига асос солинаётган ушбу кунлар шуқуҳини ўзаро муқояса қиласиз.

Янги Ўзбекистонда ёшлар таълимига алоҳида эътибор бериляпти. Шoir ибораси билан айтганда, олис музофотларда ҳам боғчалар қурилди, мактаблар замонавий қиёфа касб этиб, жамиятимиз ноҳол илм-маърифатда деган уйғок туйғу билан яшай бошлади. Ўқитувчилар ҳурмати жойига қўйилиб, уларга имтиёзлар берилгач, мактаб ва олий таълимда ҳам катта ўзгаришлар бўлди. Янги Ўзбекистон ёшлари илм-фанда ҳам етакчилик қилиб, дунёнинг энг илгор олий таълим даргоҳларида юқори натижалар кўрсатмоқда.

Амир Темур илм-фан, адабиёт, санъат вакиллари ва хунармандларга доимо алоҳида эътиром кўрсатган. Илм-маърифатда етакчи бўлган шахсларни юртга олиб келиб, ёшлар таълимини юксалтирди. Қарига борган бўлса, бунёдкорлик ишларига қўл уриб, боғлар яратди. Натижада янги тамаддунига асос солинди. Шoir Шодмонкул Салом буну куйидагича ифода этади: “Навоийдан, шoҳ Бобурдан сабоқ олиб, Бош кўтарса қалбингизнинг нолаари. Таъзим айланг, ул азизлар Темур тоғин Ён бағридан униб чиққан лолалари”.

Ҳа, бугун уч минг йиллик давлатчилик тарихига эга халқимиз янги Ўзбекистон деб аталган яна бир тоғ ўсиб бораётганига гувоҳ бўлмоқда. Билими, истеъдо билан дунёни лол этаётган ёшларимиз ана шу тоғ ёнбағридаги илк чечаклар — Навоий, Бобур ва Мирзо Улугбекларидир!

Ташриф домида музейнинг янгиланган экспозицияси кўздан кечирилди. Амир Темур ва темурийлар меросини пухта ўрганиш, улар ҳақида асарлар яратиш, халқимиз, айниқса, ёшлар орасида кенг тарғиб этиш зарурати таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари ташриф асосида Темурийлар тарихи давлат музейининг меҳмонлар китобига даст-хат қолдирди.

— Дунё ҳавас қилгулик тарихимиз, меросимиз бор. Соҳибқирон тарихини жамлаган музей замонга муносиб янги қиёфага келгани яхши бўлди. Энди буну аҳолимизга, ёшларга, хорижлик меҳмонларга етказиш энг катта вазифамиз. Янги Ўзбекистонни юксалтириш учун керакли билымларни қаердан олиш мумкин десангиз, буларнинг барчаси — аждодларимиз қолдирган меросда, илмда. Шу боис, ёшларимизни, нурунийларни, умуман, аҳолимизни маҳаллабй тарзда музейларга олиб келиб, буюк тарихимиз ҳақидаги билымларини оширишимиз лозим, — деди давлатимиз раҳбари.

Дарҳақиқат, биз шонли тарихга эга энг бахтли авлодимиз. Олдимизда қанчадан қанча аждодлар орузи бўлган Учинчи Ўғғонш даврини яратишдаги улкан марра турибди. Буну муносиб тарзда урдалашнинг шарти битта — ул қолдирган меросга муносиб бўлиш, аждодлар босиб ўтган йўлни илмий тадқиқ этиш ўрганиш, миллий ўзликини теран англаш, ҳар томонлама етук ёшларни камол топтиришдир.

Янги Ўзбекистондаги ислохотлар руҳига муносиб тарзда ягона ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратиш иштиғиқига яшашдир. Зеро, шoir айтгандай, саркардалар авлодлар қиёфасида мангу яшайди. Уларга эса муносиб навкар бўлиш керак!

**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,**  
**Бобораван ҲОЗИДДИНОВ,**  
**“Янги Ўзбекистон” мухбирлари**

# ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТ ИҚТИСОДИЁТНИНГ МУҲИМ ДРАЙВЕРЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНТИРИЛАДИ

## Бошланиши 1-бетда

Таъкидланганидек, товар учун бож тўловларини уни сотиш пайтида амалга ошириш тизимини жорий этиш орқали камийда 500 миллион доллар инвестиция жалб қилиш учун шароит яратиш мумкин. Бундай амалиёт Россия, Хитой, Қозғистон, Бирлашган Араб Амириклари, Буюк Британия, Германия ва Сингапур каби мамлакатларда кенг қўлланилаётгани қайд этилди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда омборларнинг умумий майдони 634 минг квадрат метрни ташкил қилиб, шундан 72 фоизи Тошкент шаҳри ва вилояти ҳиссасига тўғри келади. Мавжуд омборларнинг атиги 34 фоизи замонавий “А” тоифасига мансуб. Экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш учун кейинги беш йилда 2,5 миллион квадрат метр замонавий омборлар талаб этилади.

Шу муносабат билан юртимизда йирик халқаро маркетплейсларнинг замонавий омборлар тармоғини кенгайтириш тақлиф этилди.

Рақамли платформаларни ҳамда бонд омборларини солиқ ва божхона тизимлари билан чуқур интеграция

қилиш зарурлиги таъкидланди. Тақдимотда 2026-2028 йиллар давомида таъриб тарихида “чиппорт — бонд омбори — махсус электрон савдо платформаси — истеъмолчи” занжири асосида янги механизмни жорий этиш тақлифи билдирилди.

Унга кўра, товарлар бонд омборига жойлаштирилади, махсус электрон савдо платформаси орқали сотилади, божхона декларациялаш ва бож тўловлари эса бевосита сотув босқичида амалга оширилади. Бундай платформалар ва омборлар тегишли реестрларга кириштирилиб, божхона кўмитасида ҳисобга қўйилади.

Шунингдек, бонд омборлари маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун ташқи бозорларга чиқишни енгиллаштириши, айланма маблағларга тушадиган юкин камайтириши, логистика харажатларини па-сайтириши ва экспорт рақобатбардошлигини ошириши таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари электрон тижоратни иқтисодий муҳим драйверларидан бирига айлантириш, мазкур соҳада замонавий инфратузилмани яратиш, рақамли платформалар фаолияти учун қулай ва шаффоф муҳит шакллантириш бўйича мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

ЎЗА

# СЎХДАГИ ЯНГИЛАНИШЛАР ҲУДУДНИНГ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИГИ ОШИБ БОРАЁТГАНИНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИДИР

## Бошланиши 1-бетда

Тақдимотда мутасаддилар жорий йилда туманга 40 миллион доллар инвестиция жалб қилиш, 15 миллион долларлик экспортни таъминлаш режаси олинган ҳақида ахборот берди. Бунинг ҳисобига санаотда 9 фоиз, хизматлар соҳасида 17,1 фоиз, қишлоқ хўжалигида 7,6 фоиз ўсишга эришиш кўзда тутилган.

Йилгишда туманнинг туризм салоҳиятига алоҳида эътибор қаратилди.

Сўхнинг бетакорр табиати, мусаффо ҳавоси, дарёлари ва салқин иқлими мазкур соҳани иқтисодий драйверларидан бирига айлантириш имконини бериши таъкидланди. Масалан, Сариканд, Ровон ва Истиклол маҳаллаларидан ўтган Сўх дарёси қирғоқларида янги туризм объектларини курс бўлади. Ёки бу ерда реабилитация, физиотерапия, дори-дармон логистикаси ва тиббий таълимни бир ҳудудда жамлаган Тиббий хизмат кластерини ташкил этиш учун барча шароитлар мавжуд.

Умуман, туризм ва хизмат кўрсатиш соҳасида 60 миллион доллар инвестиция жалб қилиш, қарий 2 минг иш ўрни яратиш, туризм хизматлари ҳажминин 15 миллиард сўмга, экспортни эса 2 миллион долларга ошириш режалаштирилгани маълум қилинди.

Энг муҳим вазифалардан бири сифатида аҳоли яшати ва меҳнат қилиши учун қулай инфратузилма яратиш, тадбиркорликни кенгайтириш ва бандликни таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Ҳар бир маҳаллада 10 тананг, жами 300 та микро-лояика ишга туширилиб, 8,6 минг аҳоли касб-хунарга ўқитилади. Бу лойиҳаларга банклар томонидан 64 миллиард сўм кредит ресурси йўналтирилади, ижтимоий

ва инфратузилма объектлари учун эса қўшимча 74,5 миллиард сўм ажратилади.

Транспорт-логистика масалалари ҳам атрофича кўриб чиқилди. Туманнинг бошқа ҳудудлар билан боғлиқлигини ошириш, чегарадан ўтишни тезлаштириш ҳамда иқтисодий алоқаларни кенгайтириш бўйича амалий чоралар белгиланди.

Аҳоли даромадининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ экани инобатта олиниб, ушбу соҳада замонавий ендашувлар ва янги технологияларни кенг жорий этиш зарурлиги таъкидланди.

Масалан, Қайроқ массивидagi 425 гектар яйловда мевали боғлар, Чашма маҳалласидagi 60 гектар ерда заъфарон плантациялари, Озод ва Сўх хўжалиқларига қарашли 100 гектар майдонда картошка етиштириш лойиҳаларини амалга ошириш тақлиф этилди. Шунингдек, Навобод маҳалласида балчиқчиликни ривожлантириш бўйича лойиҳа тақдим этилди. Унга кўра, 50 сотихдан 30 та ҳовуз тақдим қилиниб, ҳар бир ҳовуздан 50 тоннадан форель баличи етиштириш мумкин.

Шу билан бирга, Девайрон ва Тул-дашт ҳудудлари оралиғида 8 километр узунликда ўзи оқар суғориш тармоғи қурилиши ҳисобидан 500 гектар мевали бог ва қўшимча 300 гектар экин майдонини ўзлаштириш имконияти мавжудлиги кўрсатиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари Сўх туманини ривожлантиришда энг асосий мақсад одамлар ҳаётида сезиларли ўзгариш қилиш, аҳоли даромадини ошириш, иш ўринлари яратиш ва ҳудуднинг транспорт боғлиқлигини янада кучайтиришдан иборат эканини таъкидлади. Мутасаддиларга туман бўйича белгиланиши вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

ЎЗА

# ТЕМУРИЙЛАР РЕНЕССАНСИ МОҲИЯТИ ЧУҚУР ЎРГАНИЛАДИ

## Халқаро конференция

Марказий Осиё азалдан илм-фан, санъат ва фалсафа маркази бўлиб, бутун дунёга таъсир кўрсатган цивилизация асосларини шакллантирган. Бугунги кунда бу салоҳият кенг қўламли лойиҳа — Ўзбекистондаги Ислom цивилизацияси марказида муҳассам бўлиб, у нафақат тарихий осори атиқаларни сақлайди, балки илм-фан, таълим ва маънавий тараққиёт учун жонли платформа бўлиб хизмат қилади.



Айни кунларда юртимизда буюк давлат арбоби, саркарда, илм-фан ва маданият ҳомийси Амир Темур таваллудининг 690 йиллиги кенг нишонланмоқда. Ушбу юбилей сана нафақат тарихий хотира, балки миллий ўзига хосликни мустаҳкамлаш, илмий салоҳиятини ривожлантириш ва мамлакат маданий дипломатиясини илгари суратишнинг муҳим омили сифатида кўрилмақда.

Юбилей тадбирлари доирасида Ўзбекистондаги Ислom цивилизацияси маркази халқаро мулоқотнинг асосий майдони вазифасини

Шавкат Аюпов, ТУРКСОЙ Бош котиби Султон Раев, Оксфорд Ислom тадқиқотлари маркази директори Фахон Низомий, шунингдек, дунёнинг 20 дан ортиқ мамлакатидан 300 нафардан зиёд олим, эксперт, дипломат ва жамоатчилик вакиллари иштирок этиди.

“Конференция Амир Темур таваллудининг 690 йиллиги юртимизда кенг нишонланаётган кунларда Ўзбекистоннинг уч минг йиллик бетакорр илмий-маданий мерос дурдоналарини ўзида муҳассам этган Ислom цивилизацияси марказида бўлиб ўтаётгани, айниқса, диққатга сазовор.

Мазкур илмий форум ўлкамиз тарихидаги улугвор ва ёрқин босқични ташкил этадиган Иккинчи Ўғғонш даври — темурийлар Ренессанси моҳиятини чуқур таҳлил қилиш, қизгин муҳокамадор ўтказиш, янги лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш учун муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз”, дейилди давлатимиз раҳбари табриғида.

Конференциянинг очилиш маросимида маърузачилар Амир Темур ва темурийлар даврининг давлатчилик анъанаси, дипломатияси, ҳарбий санъати ҳамда илм-фан ва маданият тараққиётидаги ўрнини яқдил эътибор эгдилар. Айниқса, ўша даврнинг Шарқ Ренессанси шаклланишидаги аҳамияти, жаҳон цивилизациясига кўрсатган таъсирига алоҳида эътибор қаратилди.

Ялли мажлис ва шўба йиғилишларида давлат бошқаруви ва дипломатия, ҳарбий стратегия, меъморчилик ва шаҳарсозлик, илм-фан ва таълим ривожини каби йўналишларда илмий маърузалар тақдим этилмоқда. Мувахассислар темурийлар даври меросини замонавий илмий ендашув асосида ўрганиш масаласини ҳам муҳокама қилмоқда.

Иштирокчилар учун Ислom цивилизацияси маркази билан танишуш, мавзули кўргазмалар ҳамда маданий дастурлар тайёрланган. Умуман, сермазун дастурда тадбирни илмий жиҳатдан бойитиш борабариди меҳмонларга Ўзбекистоннинг бой тарихий-маданий мероси билан яқиндан танишиш имконини яратиш назарда тутилган.

**Нодир МАҲМУДОВ,**  
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

# БИЛИМЛАРИНИНГ БАРЧАСИ — АЖДОДЛАРИМИЗ ҚОЛДИРГАН МАЪНАВИЙ МЕРОСДА



**Азамат ЗИЁ,**  
**Ўз ФА Тарих институти директори,**  
**Олий Мажлис Сенати аъзоси,**  
**академик**

Ҳар биримизга ифтихор ва қувонч бағишлаб турган ушбу тантананага шахсан Президентимиз бош-қош бўлаётгани эътиборидан четда қолмади ва умуммиллий кайфиятни ўта кўтартиб юборди. Мамлакатимиз етакчиси ташаббуси ва бошчилигида бунёд этилган Ислom цивилизацияси марказида ўтказилаётган илм эллараро илмий йиғини “Амир Темур ва темурийлар тамаддунининг жаҳон тарихи ва маданиятидаги ўрни ва аҳамияти”га бағишланганида ҳам катта ҳикмат бор.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 5 февралда қабул қилинган “Буюк давлат арбоби ва саркарда, илм-фан, маданият ва санъат ҳомийси” Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 690 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори атоқли бобомизнинг руҳий қуввати, тарихий хизматлари, умуман, темурийлар даврини ўрганишнинг бутунлай янгица асос ва мазмундаги ташкилий, илмий, маданий-маърифий йўналишларини белгилаб берди. Албатта, уларни бажариш катта билим, тиришқоқлик, чиддам

Айни кунларда ўзбекининг улуг бобоқолони, кишилиқнинг буюғи, Шарқу Фарби мўғулларнинг 150 йиллик истибодидан қутқарган халоскор, Ўртаер денгиздан Хитой деворлари, Москва ва Киевдан Дехлигача ястанган салтанат асосчиси, Иккинчи Ўғғонш даври — Темурийлар олтин чоғи бунёдкори, давлат ва жамият бошқаруви бўйича ноҳир асар — “Темур тузуқлари” муаллифи, миллий гуруримиз рамзи Амир Темурнинг 690 йиллигини байрам қилмоқдамиз!

Бундан ташқари, бундан икки йилдан олдин сал кўпроқ вақт ичида қилиб улғурган ишлардан қирқилари — Амир Темур майдони ва Темурийлар тарихи давлат музейида юз берган ўзгаришларни алоҳида урелулаган бўлар эдик.

Тўғри, бундан ўттиз йил бурун майдон ва музейнинг яратилиши ўз замонаси учун катта воқеа саналган. Бироқ кейинги йиллари улар эътибордан анча четда қолгани ҳам бор гап. Ушундан бери ушбу кўтлуг ерга на ўзимиз, на чет давлатларнинг раҳбарлари келиб, буюк бобомизга ҳурмат бажо келтирилгани эслай оламиймиз. Музейда эса қуруқ суратлар ва темурийлар даври иморатларининг қоғоздан тайёрланган нусхаларидан бошқа айтарили нарса йўқ эди. Очигини айтганда, илжои туғилса, хорижлик ҳамкасбларимиз, айниқса, темерушносларни у ерга олиб бормасликка уринардик...

Бугун эса Амир Темур майдони ҳам, Темурийлар тарихи давлат музейи ҳам худди кўклар тароватидек очилиб, яшнаб кетди, десак муболага бўлмайди. Соҳибқирон хотирасига ҳурмат бажо келтириш учун бу ерга Президентимиз ташриф буюрди. Сўнгги ўттиз йилда илк марта юз берган ушбу воқеани тасодиф деб билмай, қадим тарихий-маданий меросимиз, айниқса, буюк Амир Темур шахси, Биринчи ва Иккинчи Ўғғонш давриларимизга бўлган алоҳида меҳр ва қадрлаш билан муносабатини ўзимизгина эмас, бутун дунё билди ва тан олади.

Биринчи ва Иккинчи Ўғғонш босқичлари масаласини аслида биринчи бўлиб давлатимиз раҳбари кўтаргани ва у халқаро даражада эътироф этилишига эришгани ҳам бор гап. Миллий озоқлик харакатлари, жадиқчилик каби тақиққа тушиб бораётган Амир Темур ва темурийлар мавзулари учун “оқ йўл” ҳам айнан янги Ўзбекистонда очилганини эсдан чиқармаслигимиз керак.



# ТАМАДДУН тафаккури

Биз Марказ қурилишини илмий тадқиқот ва изланиш ишлари билан баробар равишда олиб бордик. Ўтган даврда кўхна меросимизга оид, бизга умуман номаълум бўлган қанча-қанча ноёб маълумотларни кашф этдик.

Халқаро экспертлар эътироф этганидек, бугун Ўзбекистонда ислом цивилизацияси меросини ўрганиш ва тарғиб этиш бўйича ўзига хос катта илмий мактаб яратишга эришдик. Нақадар катта имкониятларимиз, интеллектуал салоҳиятимиз борлигини дунёга намойён эта олдик.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти



## ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИДА ЯНГИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ПЛАТФОРМА

### Минбар



Баҳром АБДУРАХИМОВ,  
Фанлар академияси  
вице-президенти, халқ  
депутатлари Тошкент шаҳар  
кенгаши депутати

Минтақанинг бой маданий ва илмий мероси. Ўзбекистон ҳудуди асрлар давомида турли маданиятлар кесишган улкан макон бўлиб хизмат қилган. Бу ерда форс, араб, туркий ва хитой анъаналари маҳаллий урф-одатлар билан уйғунлашган. Минтақага Буюк ипак йўли орқали савдогарлар, олимлар ва саёҳатчилар келиб-кетган. Бу заминда яратилган илмий кашфиётлар ва меъморий ёдгорликлар бутун инсоният меросига айланган.

Бугун ана шу бой маънавий ва илмий мерос Президентимиз ташаббуси билан Тошкент марказида барпо этилган Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказида жамланган. 65 метрли гўмбаз остида ислом дини, маданият, фан ва замонавий технологиялар уйғунлашган. Бу оддий музей эмас, балки “Янги Ўзбекистон” декларацияси, илмий ҳаб ва замонавий билимлар платформасидир.

Марказ очилиши ва маънавий аҳамияти. Мамлакатимиз етакчиси иштирокида марказнинг очилиш нафақат давлат аҳамиятига эга воқеа, балки маънавий тикланиш, тарихий ворислик ва давлатимизнинг келажакка интилишининг чуқур рамзи бўлди. Бу воқеа миллий ўзлигини аниқлашда янги босқични аниқлаб, ўтмиш, бугун ва

келажакни ўзаро боғлиқ ягона тизим сифатида талқин этишга хизмат қилади.

Президентимизнинг марказ очилиш маросимидаги нутқи жамиятга қаратилган мазмунан бой ва концептуал жиҳатдан пухта муружаат сифатида янгради. Унда тарих архив эмас, балки билим, сабоқ ва қадриятларнинг тирик манбаи экани гоёси яққол ифода этилди. Айнан тарихий тажриба муружаат қилиш орқали жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлайдиган мустаҳкам қадриятлар тизими шаклланади.

Нутқда ислом динининг инсонпарварлик моҳиятига алоҳида эътибор қаратилди. У, аввало, илм, маърифат ва ахлоқий камолотга йўналтирилган дин экани таъкидланди. Марказ архитектурасига жо этилган “Иқро!” (“Ўқи!”) ояти рамзи стратегик гоёни ифода этади: кучли ва ривожланган давлатнинг пойдевори таълим ва илм-фандир. Бу гоё Ўзбекистонда Учинчи Ренессанснинг шакллантириш сиёсати билан узвий боғлиқ.

Яратиш фалсафаси: жаҳолатга қарши маърифат. Марказни барпо этиш ташаббусини давлатимиз раҳбари 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурди. Унинг биноси ҳам Президентимизнинг меъморий гоё ва тақлифлари асосида лойиҳалаштирилди. Маъмулнинг асосий гоёси исломнинг ҳақиқий инсонпарварлик моҳиятини ҳимоя қилишдир.

Бугунги глобал шароитда — исомофобия кучайиб бораётган бир пайтда Ўзбекистон янги гуманитар кун тартибини илгари сурмоқда. Ислом тинчлик, эътиқад ва инсонпарварлик дини экани таъкидланмоқда. Маъмулнинг архитектураси чуқур фалсафий маъно касб этади. Баланглиги 65 метр бўлган марказий гўмбаз оламининг бирлиги ва маънавий ҳамда илмий билим уйғунлигини ифода этади.

Ички макон эса тарихий меросни англашдан келажак тасавурини шакллантиришга боғлиқ интеллектуал саёҳат тарзида ташкил этилган. Замонавий мультимедияли ва интерактив технологиялар экспонатларни намойиш этиш билан бирга зиёратчиларда тўлиқ “англаш” эффектini ҳосил қилади.



Қуръон зали — маънавий юрак. Марказнинг маънавий қалби — Қуръон зали. Бу ерда VII асрга мансуб Усмон Мусхафи сақланади. У қуфий хатида кийик терисига ёзилган. Маълумотларга кўра, саҳифаларига халифа Усмоннинг қони томган. Бу ноёб қўлемнинг тарихи жуда мураккаб: Амир Темурадан Самарқандга олиб келинган бу муқаддас китоб кейинчалик Тошкент, Санкт-Петербург ва Уфа орқали ўтиб, 1941 йилда Ўзбекистонга қайтарилган. Ўтган даврда мураккаб шартларда сақлаб келинган бу ноёб қўлемга фақат янги Ўзбекистон пайтидагина ўзининг муносиб ўрни ва мақомига эга бўлди.

Бу ерда Усмон Мусхафи билан бир қаторда Қуръон қаримнинг юртимизга тегишли бўлган, турли сулолалар даврида яратилган ноёб қўлемлари жамланган. Улар орасида сомониёлар, қораконийлар, газавийлар, темирлийлар, шайбонийлар ва бошқа даврларга мансуб ноёб нусхалар бор. Бу қўлемлар нафақат диний, балки улкан тарихий, илмий ва бадиий қимматга эга.

Хориждаги тарихий меросимизнинг Ватанга қайтиши. Марказ фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири маданий меросимизнинг Ватанга қайтариллиши ва сақланишидир. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва қўллаб-қувватлаши билан халқаро ҳамкорлик, илмий экспедициялар ва аукционлар орқали мингта яқин ноёб артефакт юртимизга қайтарилди. Улар қаторида Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Сино каби буюк алломаларнинг қўлемлари, шунингдек, ноёб амалий санъат намуналари ва археологик топилмалар мавжуд.

Илмий концепция ва ренессанслар. Марказнинг тарихий концепцияси минтақа-

нинг кўп асрлик тараққиётини қамраб олади ва тўрт босқичга эътибор қаратилган: исломга бугун даври, Биринчи ва Иккинчи Ренессанс давридаги илмий-маданий юксалиш ва Янги Ўзбекистондаги замонавий ислохотлар.

Биринчи Ренессанс. Биринчи Ренессанс ислом оламида илм-фан ривож билан боғлиқ бўлиб, бу жараёнда Марказий Осиё олимлари муҳим ўрин тутган. Улардан бири — Муҳаммад Хоразмий замонавий математика асосларини яратган бўлса, Абу Али ибн Сино ва Абу Райҳон Беруний табиий фанлар ривожига улкан ҳисса қўшган. Имом Бухорий ва Имом Термизий эса исломий илмлар тараққиётига сабаб бўлган. Экспозиция Биринчи Ренессанснинг фақат тарихий босқич сифатида эмас, балки замонавий Ўзбекистон тараққиёти учун интеллектуал ва маънавий асос сифатида намойён қилади.

Асосий эътибор ислом цивилизацияси илм, маърифат ва инсонпарварлик тамойилларига асосланганини кўрсатишга қаратилган. Залнинг илмий ифтхори — Абу Райҳон Берунийнинг X асрда илк бор яратилган глобусининг қайта тикланган нусхаси. Асл нусха йўқолган бўлса-да, Фанлар академияси Шарқшунослик институти олимлари уни сақлаб қолган қўлемлари ва чизмалар асосида қайта тиклади.

Иккинчи Ренессанс. Иккинчи Ренессанс темирлийлар даврига тўғри келиб, нафақат сиёсий ва иқтисодий юксалиш, балки илм-фан, маданият ва маънавиятнинг тараққиёти эътибор сифатида тарихда алоҳида ўрин тутди. Бу давр Мирзо Улуғбек ва Алишер Навоий каби буюк алломаларнинг серқирра фаолияти билан чамбарчас боғлиқ.

Мирзо Улуғбек Самарқандда барпо этилган расадхона ва унинг атрофида шаклланиган илмий мактаб астрономия, математика ва география фанлари ривожига улкан ҳисса қўшди. Унинг “Зижи жаҳиди Қўрағоний” асари ўша давр илмий ютуқларининг ёрқин намунаси сифатида бутун дунёда тан олинган.

Алишер Навоий эса бой адабий мероси орқали нафақат туркий адабиётни юксак босқичга олиб чиқди, балки инсонпарварлик, маърифат ва маънавий камолот гоёларини тарғиб қилди. Марказдаги асосий совға сифатида зиёратчиларни Амир Темура билан “учрашув” кутуби турибди. Музейда илгори сунъий интеллект фаолият юритмоқда. Тулиқ автоном серверларда Ўзбекистон ва дунё кутубхоналари архивларидан сканер қилинган миллионлаб саҳифалар асосида нейрон тармоқлар жорий этилган.

Сунъий интеллект ва интерактив платформа. Марказнинг ўзига хос жиҳатларидан бири замонавий технологиялардан фаол фойдаланишидир. Сунъий интеллект, виртуал ва интерактив мультимедиа орқали тарихий материаллар янги услубда тақдим этилмоқда. Бу, айниқса, ёшлар учун жозибадор ва қизиқарли.

Марказда сунъий интеллект қўлемларини ўқиш, таржима қилиш ва тиклашда қўлланади, рақамлаштириш эса ноёб манбаларни электрон шаклда сақлаш ва

оммалаштиришга хизмат қилади. Мультимедияли, интерактив экранлар ва VR/AR технологиялари орқали тарих ва маданият замонавий усулда намойиш этилади.

Халқаро илмий ҳамкорлик. Марказ халқаро илмий ҳаб сифатида ҳам фаолият юритиб, турли мамлакатлардан тадқиқотчиларни бирлаштиради. Бу ерда маданий меросни ўрганиш, реставрация қилиш ва оммалаштиришга қаратилган йирик лойиҳалар амалга оширилади. Замонавий лабораториялар қадимий артефактларни сақлаш имконини беради.

Марказ фақат ўтмиш ютуқларини намойиш этиш учун эмас, балки келажак билимларини яратиш майдони сифатида ҳам режалаштирилган. Иккинчи қаватда дунёга танилган халқаро илмий марказ ташкил этилмоқда. ЮНЕСКО, Оксфорд ислом тадқиқотлари маркази, АЙСЕКО, ИРСИКА, ТУРКСОЙ ва бошқа нуфузли глобал тузилмалар ўз ваколатхоналарини очишни режалаштирмоқда. Ҳозир 40 давлатдан олимлар фаолият юритиб, 800 дан ортққ илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга оширмоқда.

Ёш авлод ва миллий қадриятлар. Марказда ёш авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратилади. Асосий мақсад — ёшларда миллий ва диний қадриятларга ҳурмат, илмий тафаккур ва маънавий етуқликни шакллантириш.

Бу ерда замонавий таълим технологиялари, интерактив экспозициялар ва рақамли платформалар орқали ёшлар тарихий меросни чуқур ўрганиш имконига эга бўлади. Буюк алломаларнинг илмий мероси ёшларни илм-фанга қизиқтириш, уларда танқидий фикрлаш ва инновацион ёндашувларни ривожлантиришга хизмат қилади.

Марказ ёшларга ислом динининг ҳақиқий инсонпарварлик моҳиятини намойён этишда муҳим вазифани бажаради. У ислом цивилизацияси тарихан баргиреклик, инсонпарварлик, илм-фан, таълим ва маданият билан боғлиқ эканини кўрсатади.

Янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессанс. Экспозициянинг якуний аккорди — Учинчи Ренессанс концепциясини ақс эттирувчи “Янги Ўзбекистон” зали. Бу ерда тарихий анъаналар тараққиёт билан уйғунлашиб, республикадаги ислохотлар улкан LED панеллар ва VR маконда визуал тарзда намойён этилади.

Марказий бадиий объекти — катта ҳажмли кинетик дарахт. У маҳалла — жамият ижтимоий тузилмасининг асосини ташкил этувчи ноёб қўшничилик анъанасини ифода қилади. 14 минг оптик тола ёниб, таниш миллий рамзаларни ҳосил қилади. Кинетик экранда навбатма-навбат байроқ матоси, миллий нақшлар намойиш этилади ва яқунда экран улкан ойнага айланади. Ҳар бир зиёратчи унда ўз аксини кўради — бу янги Ўзбекистоннинг энг олий қадрияти — ИНСОС гоёсини намойён этади.

Сўнгсўз ўрнида. Ислом цивилизацияси маркази аҳана ва инновация уйғунлигининг ёрқин намунасидир. У музей, илмий, таълимий ва дипломатик вазифаларни бажарса-да, асосий миссияси — ўтмишга ҳурмат ва келажакка интилишга асосланган яхлит дунёқарашни шакллантириш.

Марказ расман тўлиқ очилишидан олдин ҳам жаҳон сиёсий, илмий ва маданий элitasи учун муҳим жалб этувчи нуктага айланиб улгурди. Давлат раҳбарлари, дипломатлар, лордлар ва машҳур шахслар аллақачон марказ билан танишган. Бу йирик лойиҳа нафақат архитектура объекти, балки Янги Ўзбекистоннинг интеллектуал ва маънавий марказига айланмоқда. У тарихий мерос нафақат сақлашни лозим бўлган бойлик, балки жамиятнинг умумий қадриятлар ва стратегик мақсадлар атрофида бирлаштирилган кучли ривожланиш манбаи эканини намойён этади.



**Неъматулло МУХАММЕДОВ,**  
Ўзбекистон халқаро  
исломшунослик академияси  
профессори, тарих фанлари  
доктори



**Билиб қўйган яхши**

# МАРКАЗ АЙНАН ХАСТИМОМДА ҚУРИЛИШНИНГ ТАРИХИЙ АСОСЛАРИ

Ўзбекистондаги Ислom цивилизацияси маркази Хазрати Имом (Хастимом) меъморий мажмуаси ёнида барпо этилишининг тарихий, маданий, диний ва маърифий асослари бор. Яъни уч минг йилликдан зиёд шонли тарихимизни янги Ўзбекистон билан боғлайдиган, инсон ва халқ қадрини улуғлайдиган ақл-тафаккур маркази айнан Хастимом мажмуаси ёнида бунёд этилиши бежиз эмас.

Маҳаллий халқ Имом Қафол Шоший хурматидан бу жойни шундай атаган. Мазкур табаррук маскан кўхна пойтахтимизнинг диний-маърифий, илмий-маданий марказларидан бири бўлган. Зеро, Тошкентда ислом маданиятининг Шайх Хованд Тоҳур, Занги ота, Хожа Аълаббардор, Сузук ота, Юнусхон макбаралари ҳамда Абулқосим ва Кўкалдош мадрасалари, шунингдек, Хожа Убайдулло Аҳрор Валий, Шайх Зайниддин номлари билан боғлиқ кўплаб тарихий обидалари мавжуд.

XIX аср охирида Тошкент тўртта — Бешёғоч, Кўкча, Себзор ва Шайхонтоҳур мустақил ҳудудий маззеларига бўлиниб, алоҳида-алоҳида бошқарилган. Имом Қафол Шоший зиёратгоҳи ва атрофи бевосита у зотнинг номи билан боғланиб, юқорида айтилганидек, Хастимом (Хазрати Имом) деб аталган.

Хастимом ўз даврида Тошкентнинг илм-фан, хунармандлик ва савдо-соттиқ марказларидан бири саналган. Бунга ушбу

ҳудуднинг жуғрофий жойлашуви, ирригация иншоотлари — анҳор ва ариқлари тўғ қон томирларидек чиройли таралгани сабаб бўлган. Тошкентнинг серсув анҳор ва ариқлари азал-азалдан барчани ҳайратга солиб келган.

Тарихий ривоятларга қараганда, бу ўлкада ҳукмронлик қилган Кайхосров I нинг ўғли Кайковус (айрим манбаларда Калковуз) давридан бери маҳаллий аҳоли асосан заргарлик, маҳсудўзлик, кулоллик билан донг таратган. Худуддан оқиб ўтган Кайковус

анҳоридан шаҳарга зилол сувлар тарала бошлаган, одамлар чорвачилик, деҳқончилик билан ҳам шуғулланиб, бог-роғлар барпо этилган. Шу тариқа Хастимом хунармандлик, савдо ва илм-фан, маданий маркази сифатида ривожланиб борган.

Хастимом маҳалласи хусусида марҳум муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон ҳазратлари бундай ёзиб қолдирган:

“Имом Қафол Шоший номлари билан шухрат қозонган Хастимом маҳалласи ўз

замонасида Тошкентнинг диний, илмий, маънавий ва маърифий маркази сифатида донг чиқарган. Ҳозирги диний идоранинг кутубхонаси жойлашган бино Мўйи муборак мадрасасидир. Узоқ вақтлар ушбу мадрасада пайгамбаримиз алайҳиссаломнинг муборак мўйлири сақланиб келинган учун шундай деб атаганлар. Илм маскани бўлган даргоҳда кўп вақт тасавуф аҳлининг йирик намоёндаларидан бири Хожа Аҳрор Валийдек зот мударрислик қилгани ҳақидаги маълумотлар китобларда ёзиб қолдирилган. Мўйи муборак мадрасаси ва Тиллашайх масжиди жойлашган ҳудудни Маҳватайи муллаён, яъни муллалар ва аҳли илмлар билан ўраб олинган жой, деб атаб келганлар. Маҳаллий халқ уни сал бузиб “Маҳвата”, дея талаффуз қилади. Дарҳақиқат, XVI асрда Маҳватайи муллаён рўнарсидо Бароқхон номи билан машҳур ҳукмдор Наврўз Аҳмадхон томонидан Бароқхон мадрасаси ҳам қуриб битказилган. Бу эса Хастимом маҳалласи халқнинг маънавий ҳаётида муҳим роль уйнаганидан далелдир”.

Рус шарқшуноси Нил Ликошин 1918 йили Тошкентда ташкил этилган Туркистон халқ (муслмон) университети очилишида аввало Қафол Шоший номини эҳтиром билан тилга олган: “Буену Европа фани Эски Тошкент қисмида эражданлик ҳуқуқига эга бўлган қувончи бир кунда Тошкент муслмонларининг маърифати йўлида эсонбозлик кўрсатган фидойи, катта шахснинг сиймоси кўз ўнгимизда гавдаланади. Мен шахарнинг Себзор қисмида бу номдаги қабристонга дафн этилган Имом Мухаммад Қафол Шоший ёки Хазрат Имомни эсладим. Бу шахс билан муслмонлар фахранишилари ва бузун ўзларининг биринчи устозларини яхши сўзлар билан хотирлашлари лозим...”.

Афсуски, шўроларнинг аждодларимиз қадамжю ва зиёратгоҳларига нисбатан ўтмиш қолдиқлари сифатидаги атеистик муносабати натижасида бундай масканлар эътибордан четда қолди. Лекин ҳар бир юрtdошимиз қалбида ўзи туғилган ўсган жой номлари тарихи, урф-одатлари ва маданиятига меҳр, қизиқиш сўнади. Истиқлол аждодларимиз қадамжюларини обод этиш билан бирга уларнинг фаолияти ва илмий мероси бўйича изланишлар олиб боришга кенг йўл очиб берди.

Умуман олганда, Ўзбекистондаги Ислom цивилизацияси маркази Хастимом мажмуаси ёнида барпо этилиши тарихий илдишларга эга. Муҳими, марказ маҳобати, майдони ва қармоғига кўра дунёда ислом тарихи, маданияти ва цивилизацияларини ўрганиш ҳамда тарғиб этишга қаратилган йирик мажмуалардан бири саналади.

## Хазрати Имом (Хастимом) қуйидаги ансамблларни ўз ичига олади

### БАРОҚХОН МАДРАСАСИ

XVI аср ўрталарида қурилган. Бароқхон мадрасаси уч қисмга бўлиниб қурилгани археологик изланишларда аниқланган. 1917 йилда мадраса ётқонгоҳа айлантирилди. Бинонинг тарихий кўринишига жиддий путур етди, 1936 йили Кўрлар жамиятига берилди, кейин эса турли ашёлар сақланадиган омборхона сифатида ишлатилди.

1950 йилдан 2007 йилгача Бароқхон мадрасасида Ўзбекистон муслмонлари идораси фаолият кўрсатиб келган.

### МўЙИ МУБОРАК МАДРАСАСИ

XV асрда Бароқхон мадрасаси қаршисида қурилган ва кейинчалик бузилиб кетган. 1856-1857 йилларда Мирзо Аҳмад кушбегининг амри билан Мўйи муборак мадрасаси қайта

қурилган. Бу ном берилишига мадраса ҳужраларидан бирида махсус шиша идишда пайгамбаримиз Мухаммад (с.а.в.)нинг муборак мўйлири сақланиши сабаб бўлган. Унинг ёнида бир неча бор қайта қурилган шаҳарнинг жоме масжидларидан бири, ҳозирги Тилла Шайх масжиди ҳам бўлган.

Тарихий манбаларда ушбу мадрасага нақбандия тариқатининг машҳур вакили Хожа Аҳрор Валий мударрислик қилгани эслатиб ўтилади.

### НАМОЗГОҲ МАСЖИДИ

Масжиднинг қурилган вақти тўғрисида аниқ маълумот йўқ. Масжид Тошкентнинг Россия таркибига киришидан аввал, яъни 1865 йилгача қурилган бўлиши мумкин. Маҳаллий аҳолининг айтишича, масжид Кўқон хони Худоёрхон ҳукмронлиги (1845-1875) даврида қурилган. Тошкентдаги Кўкалдош мадрасасидан ярим километр жануби-ғарбда

илгаридан Намозгоҳ масжиди бўлган ва у жойлашган маҳалла ҳам шу ном билан аталган.

Тошкентда ҳукмронлик қилган Кўқон хонлари даврида янги Намозгоҳ қурилиши шаҳарнинг ривожланиши ва тараққий топишининг далили эди. Янги Намозгоҳ масжиди шаҳарга яқин этиб кўчирилган эди. Муслмонлар Курбон ва Рамазон ҳайитлари намозини шу ерда адо этишарди.

### ТИЛЛАШАЙХ МАСЖИДИ

Тарихий маълумотларга қараганда, 1899 йили Мўйи муборак мадрасаси ёнида Тиллашайх номини олган жоме масжиди қурилган. Уни бойлиги, адолатлилиги ҳамда саховати билан ном чиқарган Тиллашайх барпо этган.

Ҳозирги вақтда масжид қайта ташмирланган ва у ерда муслмонлар ҳар куни беш маҳал намозини адо этмоқда.

## Болаларга беринг дунёни



равишда тақдим этилган имкониятлар, дейиш мумкин.

Президентимизнинг Ўзбекистондаги Ислom цивилизацияси марказининг расмий очилиш маросимидоги нутқини тинглаганимда, халқимиз зиёлиларига қарата айтилган қуйидаги даяваткор сўзлар мени ҳам бағрик қолдирмаган эди:

“Марказ ёшларимиз орасидан янги хоразмийлар, улугбек ва берунийлар, фарғоний ва ибн синолар, бухорий ва термизийлар етишиб чиқиши учун мустаҳкам маънавий майдон бўлиши керак.

Бу — барчамизнинг эзгу ниятимиздир. Марказ ўзининг мана шундай тарихий миссиясини юксак савияда адо этиши учун мен илм-фан ва маънавий фидойиларига — ҳурматли олим ва тадқиқотчиларга, шоир ва адиблар, диний уламолар, режиссёр ва расомлар, журналистларга, ижодкор ёшларимизга мурожаат қилмоқчиман.

Ислom цивилизацияси марказида тўпланган ҳар бир экспонат қандай баёбахо

## ФАРЗАНДЛАРИМИЗ АҚЛ-ЗАКОВАТИНИ ҲАМ БОЙИТАДИ



**Заҳро ҲАСАНОВА,**  
“Гулхан” журнали бош муҳаррири

Маҳобатли Ислom цивилизацияси марказидаги ҳар бир зал, экспозиция, сунъий интеллект асосида яратилган мультимедияли технологиялар, уларнинг тарих ва бугунги кун билан уйғунлашгани эътирочно сайёҳни ҳайратта солади. Коинот тасвири, юлдузлар жйоси, аждодлар мероси, ислом тарихи ва маданияти — уч минг йиллик тарихимизни кўз ўнгимизда намоён этишдан мухташам

сарой. Шуларнинг ҳаммаси инсон ақлу заковати, илм, теран мушоҳадаси, юксак салоҳияти, аждодларимизнинг асл хунармандлик мероси асосида яратилганига ҳайрон қоласиз.

Ҳа, залдан залга ўтар эканмиз, ундаги ниҳоятда бой маданий мерос намуналарини кўриб, ортда катта меҳнат, юқори даражадаги дипломатик муносабатлар, ташкилотчилик, катта маблағ эвазига яратилганини англаш қийин эмасди.

Ижодкор сифатида мени болалар учун яратилган интерактив ва билим берувчи зал алоҳида диққатимни тортди. Бу бўлимда кичик ва ўрта ёшдаги болаларни Ўзбекистон тарихи ва маданий мероси билан таништириш, оламшумул ихтиролар ва кашфиётларга қизиқишини ошириш учун буюк аждодларимизнинг болалиги ҳақидаги қисқа ва аниқ маълумотлар, улар яратган кашфиётлар ҳамда алломаларнинг болалик образидоги аватарлари ҳам тақдим этилган. Залга кирган болалар ушбу интерактив аватарлар билан мулоқот қилади, уларга саволлар бериб, маълумот олишлари мумкин бўлади.

— Болалар учун яратилган бўлим “Ўзбекистондан дунёга 1001 ихтиро” деб номланган катта китоб билан бошланади. Бу хона буюк британиялик Аҳмад Салим лойиҳаси асосида яратилган, — деб изоҳ беради бўлим координатори ердამчиси Шаҳина Алижонова. — Хонадаги жиҳозлар, монитор ва айлпатар мамлакатимиз ва унинг вилоятлари, буюк алломалари, миллий валютаси, мадҳияси ҳақида маълумотлар беради. Ҳар бир интерактив контент учта — ўзбек, рус, инглиз тилида тақдим этилган. Китоб “Сехрли қизиқувчанлик” деган сўз билан очилади.

Болалар бўлимининг хоналари шундай номланганки, бу масканга фарзандини етаклаб келган ота-она, ўқитуви ва мураббийларга тўғри йўналиш бериб туради. “Ўтмишга дарвозалар”, “Кашфиётлар ва билимлар даври”, “Тасаввур кучи”, “Ғоялар олами” каби. Залнинг 1-қисми деворларидаги қоғоз қопламалар Биринчи Ренессанс давридаги ихтиролар сурати билан безатилган. Залнинг 2-қисмида эса Иккинчи Ренессанс даври иллюстрациялари акс этган. Айнан шу бўлимда Сохибқирон Амир Темур бобомизнинг от минган ҳайкали ҳам бор.

“Кашфиётлар зали”да Аҳмад ал-Фаргонийнинг сув сатҳини ўлчайдиган нилометр асбоби ўрнатилган. Болалар пулт орқали бу асбобни ишлатиб кўриши имкониятига ҳам эга.

Абу Райҳон Берунийнинг шамол кучини аниқлайдиган махсус асбоби ҳам болаларга олимнинг ажойиб кашфиёти ҳақида эсда қоларли маълумот беради. Улар мониторлардаги турли саволларга жавоб бериш билан ўз билимларини синаб кўришлари мумкин.

Буюк расом Камолитдин Бехзоднинг сурати акс этган элекрон монитор ёнида қўл билан амалга ошириладиган яна бир ажойиб интерактив тажриба гувоҳи бўлди. Бу ранглар орқали янги ранг ҳосил қилиш машғулотига ўхшаш бир имконият, яъни болалар бу ерда ўз қобилиятини ҳам синаб кўрса бўлади, дегани.



Яна бир залда арқондан ясалган, тортишмачоқ ўйинидаги каби болалар кучини синаб кўрадиган асбобни кузатиб, негадир қадимги миллий болалар ўйинлари ёдимга тушди. Бола учинчи ўлчамдан арқонни тортиш орқали ўз кучини синаб кўради. Мабодо кучи етмаса, иккинчи ва биринчи ўлчамга ўтади. Шундай қилиб, у ўз имкониятини аниқлайди.

Робототехника зали, катта-катта леголар билан қурилиш ишларини амалга ошириш зали — буларнинг ҳаммаси шаклланиб келаётган болаларнинг ақлий ва жисмоний ривожланиши учун туртки берадиган, фикрлашига ҳисса қўшадиган, янги аср фарзандлари дунёқарошига мос



**Ўзбекистондаги Ислom цивилизацияси маркази бугун нафақат ўзининг илмий ва маърифий мазмуни, балки инновацион ва креатив ечимлари билан ҳам жамоатчилик эътиборини тортмоқда.**

Марказ ичидоги экспозициялар илгор рақамли технологиялар асосида ташкил этилган бўлса, ўзинг ташки меъморий қиёфаси ҳам томошабинлар учун ўзига хос саҳнага айлантирилган. Кўёш ботиб, кун қорая бошлаши билан Марказ деворларида ёруғлик, ранг ва ҳаракат уйғунлигида намойиш этилаётган 3D мээппинг-шоу тарихни кўз олдингизда янада жонлантиради.

Томоша икки сеансда намойиш этилади, ҳар бир чиқиш катта қизиқиш ва олқишлар билан қарши олинмоқда. Ушбу визуал лойиҳа ҳар бир инсон қалбида ўзига хос туйғулар уйғотиши, тарих ва маърифатни янги шаклда ҳис қилиши имконини беради.



Статистик маълумотлар танланган йўл тўғри ва ўзаро ишонч юқори эканини яққол тасдиқлайди. 2018 йили МДХ давлатларидан келган меҳмонлар сони тахминан 3,9 миллионни ташкил этган бўлса, 2025 йил якунига келиб, бу кўрсаткич бир неча баробар барқарор ўсди.

Ислохотлар самараси



www.yuz.uz yuz.uznews

yuz\_official yuz.uz\_news yuz.uz\_news

Ташаббус



“Яшил”

ТЕХНИКУМЛАР ЭКОСТИПЕНДИЯ ВА КАФОЛАТЛАНГАН АМАЛИЁТ

Аҳоли орасида экологик одатларни шакллантириш, махсус билим ва кўникмаларга эга малакали мутахассисларни дуал таълим шаклида тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш иқлим ўзгариши даврида энг долзарб масалаларга айланди. Ҳўш, бу чақирикларга профессионал даражада ечим излайдиган мутахассислар қаердан етишиб чиқади?

Президентимизнинг жорий йил 25 мартдаги “Эко-маданият” умуммиллий лойиҳаси доирасида экологик таълим, илм-фан ва тарғиботни жадаллаштиришга оид комплекс чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорига асосан, 2026-2027 йилларда республикада ҳудудларида янги форматдаги 14 та “Яшил” техникум ташкил этилади. Уларда 2030 йилгача 10 минг нафар ўрта бугун кадр тайёрланади. “Яшил” техникумлар экология, барқарор ривожланиш ва иқлим ўзгаришига мослашши бўйича мутахассисларни тайёрлашнинг асосий марказлари айланди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ресурслардан самарали фойдаланиш ва барқарорликка ўтиш, пировардида МДХни дунёдаги энг жозибдор туризм ҳудудларидан бирига айлантириш мақсади қилинган. Бунда Ўзбекистон бутун маконининг марказий нуқтаси сифатида ҳал қилувчи аҳамиятга эга экани диққатга сазовор.

— Айтиш керакки, “Яшил иқтисодиёт” соҳасида кадрлар етишмовчилиги мавжуд, — дейди Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси бўлим бошлиғи Жаҳонгир Мирзоқобулов. — Соҳада ўрта бугун кадрларга эҳтиёж 52 мингга ташкил этилган. Президентимиз қарори билан жорий йилнинг ўзида 5000 та ўрта бугун кадр тайёрланиши кўзда тутилган. Ташкил этилаётган “Яшил” техникумлар ўқувчилари табиат қўриқхоналари, ўрмон хўжаликлари ва ботаника боғларида реал амалиёт ўтади. Экология қўмитаси ва Фанлар академияси тизимига кирувчи ташкилотлар, ўрмон хўжаликлари, гидрометеорология станциялари, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, чиқинди полигонлари, ботаника ва дендрология боғлари, ҳайвонот боғлари, Ботаника ва Зоология институтларининг амалиёт участкаларида экологик назорат, мониторинг ҳамда таҳлил ишлари олиб борилади. Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ҳаво, сув ва тупроқ ҳолатини ўрганиб, натижалар қайта ишланади.

Экологик муаммоларни эрта босқичда аниқлаш, тегишли чоралар кўриш, ресурслардан самарали фойдаланиш, экологик талабларга риоя этиш, бир сўз билан айтганда, аҳоли ўртасида экологик маданиятни шакллантиришда ўрта бугун кадрларнинг ўрни алоҳида бўлиши шубҳасиз. 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси томонидан Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгариши ўрганиш университети (Green University)га Марказий Осиё давлатлари ҳамда бошқа хорижий мамлакатлардан камда 50 нафар талабани жалб қилиш ҳамда 2027/2028 ўқув йилида мазкур кўрсаткични камда олиқ баравар ошириш назарда тутилган. Олий таълимнинг юқори босқичларида амалий машғулотлар улуши 80 фоизга етади. Ўқувчилар экологик билимларни реал шароитда қўллаш имконига эга бўлади. Жойларда ҳақиқий экологик муаммолар билан тўқнашиб, уларни ҳал этиш йўллари

ўрганади. Қолаверса, касбий маданият, интизом ва масъулият ҳисси шаклланади. Бу экология соҳасида нафақат билим, балки амалиётга тайёр, мустақил ишлаш оладиган, замонавий талабларга жавоб берадиган кадрлар етишиб чиқишига замин ҳозирлайди. — Соҳада ҳудуд ёки вазифа эҳтиёжига мос кадр тайёрлашнинг аҳамияти катта, — дейди Жаҳонгир Мирзоқобулов. — Манзилли кадрлар тайёрланиши аниқ муаммоларга муносиб ечим топилганда, “Яшил” техникумларида тахсил олган йигит-қизлар амалий билим ва кўникмаларга эга бўлган ҳолда иш бошлайди. Тайёр, ихтисослашган кадр вазифасини яхши билади ва унда масъулият ҳисси юқори бўлади.

Қарорга асосан, инглиз тилини яхши билган (B2 даражаси) ва юқори баҳоларга ўқиган битирувчилар “Green University”нинг 2-босқичдан ўқишни давом эттириши мумкин. Машғулотлар университет томонидан ишлаб чиқилган ва Касбий таълим агентлиги тасдиқлайдиган таълим дастурлари асосида ташкил этилиши кўзда тутилмоқда. Университет ҳамда “Яшил” техникумлар таълим тизими ўзвийлиги таъминланиши халқаро талабларга мос, рақобатбардор замонавий кадрлар шаклланишига замин ҳозирлайди. Илгор таълим тажрибалари асосида амалиётга йўналтирилган ва интеграцияланган ўқув дастурлари экологик таълимни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилиши билан аҳамиятли.

Техникумларнинг энг иқтидорли ўқувчилари учун махсус экостипендия жорий қилинади ва уларга ҳар ой қамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорида стипендия берилади. — Бу ўқувчиларни рағбатлантиради. Рағбат бор жойда эса ўсиш бўлади, — дейди Ж.Мирзоқобулов. — Талабаларнинг ўқишга қизиқишларини ошириб, ўз устида кўпроқ ишлашга ундайди. Атроф-муҳит муаммолари ҳақида хабардорлик ортади, инновацион лойиҳалар, янги ечимлар юзага келади, самарадорлик ошади.

Қарорда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан тизимий равишда илмий фаолиятга оид дастурлар доирасида ҳар йили экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши йўналишида инновацион, амалий ва фундаментал лойиҳалар танловлари ўтказилиши белгиланган. Бу танловлар билим, тадқиқот ва инновацияларни қўллаб-қувватлайди. Иқтидорли талабалар ва ёш олимларни кашф этади. Янги усуллар, илмий ишланмалар ва таҳлилларни қўллаш имкони пайдо бўлади.

Бу ташаббус ёшларимиз учун янги иш ўринлари ва замонавий касбларни эгаллаш имкониятини яратди. Энг муҳими, юртимиз экологиясини асраб-авайлайдиган, табиат билан уйғунликда ишлаш оладиган янги авлод мутахассисларини етиштириб беради.

Рисолат МАДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири



ЎЗБЕКИСТОН – МДХ САЙЁҲЛИК ТИЗИМИНИНГ МАРКАЗИЙ БЎҒИНИ

Бугун туризм глобал иқтисодий ўсишнинг асосий драйверларидан бири ва халқ дипломатиясининг самарали воситаси сифатида мустақкам ўрин эгаллади. МДХ маконида ушбу соҳа алоҳида аҳамият касб этмоқда. Чунки у халқларимиз ўртасида кўприк вазифасини бажаради ва интеграция жараёнини чуқурлаштиришга хизмат қилади.

нини шакллантириш ташаббускорларидан бирига ҳам айланди.

Статистик маълумотлар танланган йўл тўғри ва ўзаро ишонч юқори эканини яққол тасдиқлайди. 2018 йили МДХ давлатларидан келган меҳмонлар сони тахминан 3,9 миллионни ташкил этган бўлса, 2025 йил якунига келиб, бу кўрсаткич бир неча баробар барқарор ўсди. Утган йил якунларига кўра, Ўзбекистонга 11,7 миллион хорижий турист келган. Шундан 8,5 миллиони ёки 72,6 фоизи айнан МДХ давлатлари фуқароларидир.

Асосий ҳамкор давлатлар кўрсаткичи ҳам бунга яққол далил: Қозғистондан 2,6 миллиондан ортиқ, Қирғизистондан 3,3 миллион, Тожикистондан қарийб 2,7 миллион фуқаро келган. Россия Федерациясидан келувчилар сони ҳам изчил ўсиб, 2023 йилдаги 715 мингдан 2025 йилда 984 мингга етди. Бу рақамлар МДХ ягона сайёҳлик макони амалда шаклланиётганини яққол кўрсатади.

Ўзбекистоннинг МДХ давлатлари билан туризм соҳасидаги ҳамкорлиги янги сифат босқичга чиқди. Россия Федерацияси билан ҳукуматлараро комиссия доирасида ихтисослашган кўшма кичик комиссия фаолият юритмоқда. Шунингдек, 2025-2026

йилларга мўлжалланган туристик оқимни ошириш дастури қабул қилинган.

Қозғистон билан 2026-2027 йилларга мўлжалланган кўшма ҳаракатлар режаси имзоланган. Қирғизистон билан ағъанавий йўналишлардан ташқари “Анклавларга саяҳат” ва “Чотқол” қишки курорти каби лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Тожикистон билан 2026-2028 йилларга мўлжалланган “Йўл харитаси” келишилган. Беларусь ва Озарбайжон билан ҳам самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Шунингдек, Туркменистон билан тўрт ҳудудни бирлаштирувчи ҳалқа маршрути ишлаб чиқилган.

Кўп томонлама форматда Ўзбекистон қатор муҳим ташаббусларни илгари сурмоқда. Жумладан, “МДХ маданий пойтахтлари” лойиҳаси қўллаб-қувватланмоқда. Шу билан бирга, “Буюк ипак йўли” трансчегаравий йўналишларини тиклаш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. “Бир тур — бир ҳудуд” дастури доирасида хорижий туристлар учун комплекс саяҳат пакетлари ишлаб чиқилмоқда. Логистиканинг энгиллаштириш мақсадида “Fast Track” тизими жорий этиляпти.

Ўзбекистоннинг сайёҳлик йўналиши бўйича қўлга киритаётган муваффақиятида

мажмуасининг қайтадан бунёд этилиши, зиёратчиларга ҳар томонлама қўлай шароит яратилиши соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшади, албатта.

Тоғ туризми соҳасида ҳам самарали интеграция кузатишмоқда. 2023 йили ташкил этилган Евроосиё тоғ курортлари альянсини “Шимбулок”, “Amirsoy” ва “Роза Хутор” каби машҳур курортларни бирлаштирди. 2025-2026 йиллар қишки мавсумида “Чегарасиз тоғ-чанги мавсуми” акцияси амалга оширилди.

2025 йил майда Сочи шаҳрида бўлиб ўтган йиғилишда 2025-2026 йиллар МДХда “Тоғ туризми йили” деб эълон қилинган эди. Ушбу ташаббус соҳани янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда. “Travel HUB” форуми ҳам айнан шу дастур доирасига киритилган.

2022 йилда “Ипак йўли” халқаро туризм ва маданий мерос университети МДХнинг базавий ташкилоти мақоми берилди. Мазкур қарор соҳадаги муҳим эҳтиёжни қондиради. Университет бугун кадрлар тайёрлаш ва малака ошириш тизимини самарали мувофиқлаштирмоқда.

Қисқаси, барча савий-ҳаракатлар мамлакатимиз ҳудудида ягона ва бўйсиз туризм маконини яратишга қаратилган. МДХ билан келишувларда кўп томонлама ҳамкорликка ўтиш, пировардида МДХни дунёдаги энг жозибдор туризм ҳудудларидан бирига айлантириш мақсади қилинган. Бунда Ўзбекистон бутун маконининг марказий нуқтаси сифатида ҳал қилувчи аҳамиятга эга экани диққатга сазовор.

Мулоҳаза

Саноат корхоналарининг жадал ривожланиши, транспорт воситалари сонининг ортиши, табиий муҳитни муҳофаза қилиш чораларининг етарли даражада йўлга қўйилмагани, чиқиндиларни қайта ишлаш тизими сустлиги, шунингдек, қурилиш соҳасининг мисли кўрилмаган суръатда кенгайиши ҳаво сифатининг кескин ёмонлашувига олиб келмоқда. Бу жараён инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатиб, шаҳарлар экологик тизими учун ҳам жиддий хавф туғдирмоқда.

Бугунги иқтисодий тараққиёт шароитида ривожланиш ва экологик мувозанат ўртасидаги нозик уйғунликни таъминлаш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда. Чунки барқарор иқтисодий ўсиш фақат рақамлар билан эмас, балки инсоннинг соғлом ва хавфсиз муҳитда яшаш ҳуқуқи билан ҳам ўлчанади.

Экологик муаммолар барча давлатлар қатори мамлакатимизда ҳам кузатиляпти. Шу боис, ҳаво сифатини яхшилаш, шаҳарларда яшил майдонларни кенгайтириш, аҳолида экологик маданият ва билимни юксалтиришга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. “Тоза ҳаво” умуммиллий лойиҳаси айнан шу вазифаларни ҳал этишга хизмат қилади. Унда энергетика ва саноат соҳаларида экологик самарадорлигини ошириш, ҳавони мониторинг қилиш ва тозалашнинг замонавий тизимларини жорий этиш орқали шаҳарлар ҳаво сифатини яхшилаш назарда тутилган.

Шунингдек, лойиҳа орқали қурилиш соҳасида ҳам талаблар изчил кучайтирилмоқда. Янги йирик объектларни лойиҳалаштириш жараёнида қўқаламзор майдонларни сақлаб қолиш, чиқиндилар ва қурилиш материалларини самарали бошқариш, ҳудудларни муҳофаза қилиш ҳамда назоратни рақамли технологиялар орқали кучайтириш чоралари кўрилмоқда. Бундан ташқари, шаҳарларда “шамол йўлақлари”ни сақлаш, экологик экспертиза хулосаларини мажбурий тартибда инобатга олиш, сув ва ҳаво ресурсларини бошқариш бўйича комплекс режалар ишлаб чиқиш долзарб вазифа сифатида илгари сурилмоқда. Ҳўш, қурилиш соҳасида “шамол йўлақлари” шаҳар ҳавоси учун қай даражада аҳамиятли? Бу саволга бир оз кейин тўختаламиз.

Тошкент шаҳридаги турар жойлардан бирида тўрт йилдан буён яшаб келаман. Илк бор кўчиб келганимизда ҳудуд очик, ҳаво эркин айланарди. Атрофда пасткам бинолар, кенг ва очик майдонлар мавжуд бўлиб, табиий муҳит муайян даражада сақланиб қолган эди. Бироқ кейинги йилларда бу ҳудуддаги вазит кескин ўзгариб, Қисқа муд-



“ШАМОЛ ЙЎЛАКЛАРИ” ЗАМОНАВИЙ ШАҲАРСОЗЛИК УЧУН МУҲИМ ОМИЛ

датда атрофда банд қаватли бир неча бино қад ростлади. Албатта, бу иморатлар қурилиши ортидан юзлаб оилалар ватанили бўлди. Қанча одамлар шу ерда ишлаб, оиласини боқди. Аммо танганинг иккинчи томони ҳам бор. Илгари табиий шакланган, шамол эркин ҳаракатланадиган йўналишлар энди бетон деворлар орасида қолиб кетди.

Баланд бинолар паст қаватли уйлар учун табиий ҳаво оқимини тўсиб, “ёпиқ муҳит”ни юзага келтирмоқда. Бу эса шаҳарсозлиқдаги айрим қарорларда инсон манфаатлари қай даражада ҳисобга олинаётгани ҳақида жиддий ўйлашга ундайди.

Чунки шаҳар фақат бинолар мажмуаси эмас, балки у инсон яшайдиган, нафас оладиган, ҳаёт кечирадиган макондир. Агар шу маконда табиий муҳит издан чиқса, демак, ривожланиш тушунчасининг ўзи қайта кўриб чиқишли лозим.

Бу ҳолат алоҳида бир ҳудудга хос эмас. Бугун кўплаб шаҳарларда шунга ўхшаш манзарани кузатиш мумкин. Зич ва тартибсиз қурилишлар натижасида табиий “шамол йўлақлари” қисқариб, айрим жойларда бутунлай йўқолиб бормоқда ва шаҳар ҳавосининг табиий айланганини издан чиқариб, сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Мутахассислар таъкидлашмоқда, “шамол йўлақлари” шаҳарнинг ўзига хос “нафас олиш тизими”дир. Уларнинг мавжудлиги ҳаво алмашинувини таъминлайди, иссиқлик тўпланишининг олдини олади, атмосферадаги зарарли моддалар тарқалишини камайтиради. Акс ҳолда, шаҳар муҳитида “иссиқ орол” эффекти юзага келади. Бу ҳолат ҳаво ҳароратининг ошиши, димликнинг кучайиши ва умумий экологик вазиятнинг ёмонлашувига олиб келиди. Натижада инсон саломатлиги ва ашша сифатига бевосита таъҳид пайдо бўлади.


шаҳар ичиди табиий ҳаво айланishi сақланади, экологик мувозанат таъминланади.

Бу таъриба замонавий шаҳарсозлиқда ривожланиш фақат ҳажм ва тезлик билан эмас, балки табиат қонуниларига мослашши орқали барқарорлиқни таъминлаш билан ҳам ўлчаниши зарур.

Осиё мамлакатларида, айниқса, аҳоли зич жойлашган мегаполисларда бу масалага янада жиддий ва илмий ёндашув шаклланган. Замонавий технологиялар ёрдамида шамол оқими олдидан моделлаштирилиб, қурилиш лойиҳалари айнан шу таҳлиллар асосида тасдиқланади. Бундай ёндашув шаҳар муҳитини режалаштиришда табиий омилларни инобатга олиш қанчалик муҳим эканини кўрсатади. Энг муҳими, бу нафақат экологик, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам юқори самара беради.

Чунки “шамол йўлақлари” тўғри ташкил этилган ҳудудларда энергия сарфи сезиларли даражада камаяди. Табиий шамоллаштириш биноларни совитишда муҳим ўрин тутаяди. Кондиционерлардан фойдаланиш эҳтиёжини қисқартиради. Оқибатда аҳоли харажати ни камайтириб, умумий энергия самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Шу маънода, “шамол йўлақлари” фақат экологик мувозанатни сақлаш воситаси бўлибгина қолмай, иқтисодий тежамкорлиқнинг амалий механизмига айланади.

“Шамол йўлақлари” масаласи тор доирадаги архитектура ёки қурилиш муаммоси эмас. У жамоат саломатлиги, экологик барқарорлик ва иқтисодий самарадорлик билан chambарас боғлиқ комплекс масалалар. Демак, ушбу йўналишдаги ҳар бир қарор бугунги қурилиш эҳтиёжларидан келиб чиқиб эмас, келажак авлодлар манфаатини ҳам ҳисобга олган ҳолда қабул қилиниши лозим. Бироқ амалиётда мазкур жиҳат ҳар доим ҳам етарлича инобатга олинмаётти. Айрим ҳолларда қурилиш лойиҳалари ҳудуднинг табиий хусусиятлари, шамол йўналишлари ва ҳаво алмашинувини етарлича таҳлил қилмай тасдиқланади. Натижада бугун қуриляётган бинолар эртага экологик муаммага айланиши мумкин. Чунки нотўғри режалаштирилган шаҳар муҳитини кейинчалик



тўғрилиш жуда қийин ва катта харажат талаб қилади.

Шу боис, бугун шаҳарсозлиқ сиёсатида шамол йўналишларини илмий асосда ўрганиш, қурилиш лойиҳаларида аэродинамик таҳлилни жорий этиш, очик ҳудудлар ва яшил зоналарни сақлаб қолиш ҳамда баланд биноларни жойлаштиришда мувозанатни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Тоза ҳаво” умуммиллий лойиҳаси бу борада муҳим қадамдир.

Энг муҳими, бу масалага муносабатни ўзгартириш зарур. “Шамол йўлақлари” шаҳар ҳаётининг муҳим шарт. Бугун қуриляётган ҳар бир бино ҳозирги аҳоли билан бирга келажак авлодлар ҳаётига ҳам таъсир кўрсатади. Шунинг учун қурилиш жараёнида қисқа муддатли манфаатлардан кўра узок муддатли барқарорлик устувор бўлиши керак.

Сардор ТОЛЛИБОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

